

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фестивалида 18 та давлат қатнашмоқда



11:40 / 07.02.2019 1565

ИХТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, алоқаларни янги босқичга кўтариш мақсадида ташкил этилган фестивал 9 февралгача давом этади.



Фестивал турли интеллектуал ва сиёсий мавзуларга қўшимча равишда бошқа кўнгилочар тадбирларни ҳам ўз ичига олган, деб хабар беради Anadolu Ajansı ахборот агентлиги. ИХТнинг ушбу биринчи фестивали Миср пойтахти Қоҳирада бўлиб ўтмоқда. Ташкилот Бош котиби Юсуф ал-Усайминнинг айтишича, фестивалнинг асосий мақсади ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўлиб, Фаластин масаласи унинг бош мавзуси ҳисобланади. Фестивал доирасида турли мавзудаги фильмлар намоиш этилмоқда. Шунингдек, Ислом дунёси ривожланишига катта ҳисса қўшган шахслар тақдирланган.

Islom.uz портали таҳририяти